

---

## Фарғона тажрибаси #Давлат\_хизматчиси\_кутубхонада

Бағдод тумани Ахборот-кутубхона марказида туман ҳокимлиги ва Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси билан ҳамкорликда "Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун" лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳани ўтказишдан асосий мақсад давлат хизматчилари ўртасида касбий малака ва кўникмаларни доимий равишда ривожлантириб бориш, китобхонликка жалб қилиш, уларнинг орасида мутолаа маданиятини ошириш ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Лойиҳа доирасида дастлаб давлат хизматчилари кутубхонага аъзо бўлдилар. Масъул раҳбарлар мавзу юзасидан маърузалар қилишди, кутубхоначилар тақдимотларини ўтказишди.

Маълумот учун: Давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишда Фарғона тажрибаси йўлга қўйилган.

2025-01-15 20:05:04